

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИLMИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

**Т Ў П Л А М И**

**Қарши-2011**

# **PROMENG - ИНЖИНИРИНГ СОҲАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ФАНЛАР ДАСТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ ЛОЙИҲАСИ**

**т.ф.д., проф., Ф.М.Маматов, ф-м.ф.н., доц., З.У.Узоқов**

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да асосий вазифалардан бири этиб таълим жараёни, илмий-тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқариш интеграциясига эришиш белгиланган. Бу мақсадга, хусусан, таълим дастурларини, илмий-тадқиқотлар мавзуларини ишлаб чиқариш корхоналари талаблари ва муаммолари билан боғлаш орқали эришиш мумкин.

Темпус IV дастурининг “PROMENG: Россия Федерацияси, Украина ва Ўзбекистонда инжиниринг соҳасида амалиётга йўналтирилган магистрлик дастурлари” лойиҳасида техника мутахассислиги бўйича магистрлик ўқув режасини меҳнат бозори талабларига мувофиқ такомиллаштириш, янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, олий таълим муассасаларида “Инженерлар ва меҳнат бозори” марказларини ташкил этиш назарда тутилган. Бу лойиҳани Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Берлин техника университети, Инженерлик, консалтинг ва менежмент маркази (Германия), Вильнюс давлат техника университети (Литва), Де-Найер институти (Бельгия), Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари техникавий университетлари ассоциацияси, Москва ва Қозон давлат техника университетлари (Россия), Луцк миллий техника университети (Украина), Тошкент давлат техника университети, Фарғона политехника институти ва бошқа бир қатор олий техникавий таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Лёвен коммюникесининг охирги талаблари, Болонья жараёнининг ҳолати ва ривожланишига мос равишда ишлаб чиқаришга йўналтирилган бир қатор фанлар дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни аниқ миллий шароитларга мослаштириш, ҳамкор мамлакатлар олий таълим муассасаларини минтақа меҳнат бозори билан яқинлаштириш лойиҳанинг вазифаларидан биридир.

“Инженерлар ва меҳнат бозори” маркази меҳнат бозори талабларини ўрганиш, иш берувчилар билан алоқа ўрганиш, уларнинг талаблари таълим бериш жараёнида инобатга олинишини таъминлаш, янги амалиётга йўналтирилган курсларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарида талабалар амалиётини ташкил этиш, ишга жойлашиш жараёнида битирувчиларни қўллаб-қувватлаш, ҳамкор ишлаб чиқариш корхоналари буюртмаларини бажариш учун талабалар иштироки билан ижодий меҳнат жамоаларини ташкил этиш билан шуғулланиб, олий таълим муассасаси билан меҳнат бозори орасида ўзаро таъсир этиш механизми вазифасини ўтайди.

Лойиҳа доирасида коммуникацион модуллар ва маълумотларни узатиш протоколлари (техникавий информатика), механика, техника ва электроника соҳасида CAD/CAM/CAE лойиҳалаш, сифат инжиниринги каби янги ўқув режалари, ISO серияси стандартлари базасида сертификациялаш асослари, ишлаб чиқариш тизимларини моделлаштириш, ре-инжиниринг, муҳандислик масалаларини ечиш назарияси ва амалиёти, инженерлар учун кўшимча кўникмалар каби ўқув модуллари яратилиши режалаштирилган.